

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил махсус сон**

3. Ўзбекистон ёшлари орасида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш муаммолари. Олий таълим муассасалари илмий-назарий анжумани материаллари. – Т., 2008.

### **ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

Доц. Шодманов Қодиржон Одилханович  
Наманган давлат университети,  
Нодиров Жаҳонгир Мухамаджанович,  
Нарзуллаева Гули Нозимжонова  
Наманган муҳандислик-қурилиш институти.

**Аннотация.** Профессионал таълим, касбий кўникма, касбий малака, касбий компетентлик, профессионал таълимга оид намунавий уставлар, профессионал таълимнинг асосий вазифалари, касб-хунар коллежлари, касб мактаблари, техникумлар ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Профессионал таълим, касбий кўникма, касбий малака, касбий компетентлик, профессионал таълимга оид намунавий уставлар, касбий кўникмаларни ривожлантириш муаммолари.

### **ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ У СТУДЕНТОВ УЧРЕЖДЕНИЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

Доц. Шодманов Кодиржон Одилханович  
Наманганский государственный университет,  
Нодиров Жахонгир Мухамаджанович,  
Нарзуллаева Гули Нозимжонова  
Наманганский инженерно-строительный институт

**Аннотация.** Рассматриваются профессиональное образование, профессиональные навыки, профессиональная квалификация, профессиональная компетентность, типовые уставы профессионального образования, основные задачи профессионального образования, развитие профессиональных навыков у учащихся профессиональных колледжей, профессиональных школ, техникумов.

**Ключевые слова:** профессиональное образование, профессиональные навыки, профессиональная квалификация, профессиональная компетентность, типовые уставы профессионального образования, проблемы развития профессиональных навыков.

### **FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCIES IN STUDENTS OF VOCATIONAL EDUCATION INSTITUTIONS**

Dots. Shodmanov Kodirjon Odilxanovich

Namangan State University  
Nodirov Jahongir Muxamadjanovich,  
Narzullayeva Guli Nozimjonovna  
Namangan engineering-construction institute

**Annotation.** Vocational education, professional skills, professional qualifications, professional competence, model charters of vocational education, the main tasks of vocational education, the development of professional skills in students of vocational colleges, vocational schools, technical colleges are covered.

**Keywords:** Professional education, professional skills, professional qualifications, professional competence, model charters of vocational education, problems of professional skills development.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг халқ хўжалигининг барча жабҳаларида, жумладан, таълим-тарбия соҳасида ҳам бир қатор ислохотлар ўтказилиб, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг замонавий шакллари, интерфаол усуллар, таълим технологиялари, ахборот коммуникацион технологиялар таълим жараёнига татбиқ этилди.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозорига мос малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш ишлари давом этмоқда.

Айнан, бугунги кунда ёшларда профессионал таълим, ўқувчи-ёшларда касбий компетенцияларни шакллантириш масаласи энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Профессонал таълимни янада такомиллаштириш, касбий таълим сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, касбий кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш мақсадида мамлакатимизда 2020 йил 7 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сон қарори қабул қилинди[3].

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли фармойиши ҳам айнан профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, уларда касбга садоқат кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди[1,2].

Вазирлар Маҳкамасининг 466-сон қарори билан қуйидагилар тасдиқланди:

- Узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги низом;

- Бошланғич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган касб-хунар мактабларининг намунавий устави;
- Ўрта профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган коллежларнинг намунавий устави;
- Ўрта махсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган техникумларнинг намунавий устави.

Тизимида коллежлар ва техникумлар бўлган вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларига тасдиқланган намунавий устав асосида уларнинг уставларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг фаолиятини уларга мувофиқ йўлга қўйиш топширилди [3].

Қуйидагилар профессионал таълимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- иш берувчиларнинг талаб ва таклифларига асосан кадрларга бўлган реал эҳтиёжни инобатга олган ҳолда иқтисодиёт соҳа ва тармоқлари учун зарур бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда жамиятнинг касблар ва мутахассисликларга бўлган талабларини қондириш;
- меҳнат фаолиятида замонавий АКТни татбиқ қилиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш;
- хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий инновацион ўқув лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш учун малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;
- Халқаро таснифлагич даражалари билан уйғунлашган табақалаштирилган таълим дастурларини ҳамда ўқитишнинг кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш;
- “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида таълим олишга ўтиш учун шароитлар яратиш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда касб-хунар коллежлари, касб-хунар мактаблари, техникумларда фаолият кўрсатаётган турли фан ўқитувчилари касбий билим беришнинг анъанавий, яъни илгари қўлланилган усулларни яхши ўзлаштириб олишган, лекин улар ўқитишнинг янги технологиясидан етарли даражада фойдаланишмаяпти. Шунинг учун назарий дарсларда диалог усулини қўллаш, касбий топшириқларни бажариш ва масалалар ечиш, кўргазмали воситалардан фойдаланиш, кичик гуруҳлар баҳсини ташкил этиш, видеоларларни шарҳлаш, ролли ўйинлар ҳамда амалий ўйинлардан фойдаланиш, компьютер ўйинлари, мустақил билим олиш ва бошқалар касбий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Касб-хунар коллежлари, касб-хунар мактаблари, техникумларда касбий таълим бериш ҳолати ва мазмунини назарий ўрганиш ва мазкур таълим муассасалари ўқувчиларида касбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш жараёнининг таҳлили муайян муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Бизнинг назаримизда, касб-хунар коллежлари, касб-хунар мактаблари, техникумлар ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш борасидаги муаммолар қуйидагилардан иборат:

- касб-хунар коллежлари, касб-хунар мактаблари, техникумлар ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш масаласи шу пайтга қадар алоҳида тадқиқ этилмаганлиги, мазкур педагогик жараёндаги аҳамиятга молик масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилмаганлиги;

- касб-хунар коллежлари, касб-хунар мактаблари, техникумлар ўқувчиларига касбий фанлардан сабоқ берадиган ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологиялар билан қуролланмаганлиги, ўқитишнинг фаол усулларида, фанлараро боғлиқлик ва ўзаро алоқадорликдан самарали фойдаланилмаётганлиги;

- касбий таълим билан ўқув амалиёти ўртасида мустаҳкам интеграциянинг шаклланмаганлиги;

- ўқувчиларга ҳозирги замон шароитида касбий билим ва касбий кўникмаларнинг аҳамиятини тушунтириш борасида мунтазам ишлар олиб борилмаётганлиги;

- бутун узлуксиз касбий таълим жараёнида (боғча, мактаб, касб-хунар коллежи, касб-хунар мактаби, техникум ва олий ўқув юртида) ўқувчи-талабаларда касбий кўникмаларни ривожлантириш борасида тизимли таълимий-тарбиявий ишларни олиб борилмаслиги ва тадбирларни изчил ўтказилмаслиги;

- касб-хунар коллежлари, касб-хунар мактаблари, техникумлар ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш борасида корхона ва ташкилотлар, муассасалар, ижтимоий ҳамкорлар билан узвий алоқанинг йўлга қўйилмаганлиги;

- касб-хунар коллежлари, касб-хунар мактаблари, техникумлар ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш бўйича илмий-услубий адабиётларнинг жуда кам яратилганлиги, касбий кўникмаларни ривожлантириш бўйича ижтимоий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмаганлиги ва бошқалар [4].

Юқоридаги муаммоларни бартараф этишда ўқувчи-ёшларда касбий компетенциясини шакллантириш зарурияти юзага келади.

А. К. Маркова касбий компетентликнинг махсус, ижтимоий, шахсий ва индивидуал турларини ажратиб кўрсатган. Махсус компетентлилик ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш, техника билан ишлаш кўникмалари, техник ҳужжатларни ўқий билиш, қўл ишларини бажариш малакаларига; шахсий компетентлилик асосида ўз фаолиятини режалаштириш, назорат қилиш ва бошқариш, мустақил равишда қарорлар қабул қилиш, ностандарт ечимларни топа олиш (ижодқорлик), тез мослашувчанлик, назарий ва амалий фикрлаш, муаммони олдиндан кўра билиш, янги билим ва кўникмаларни мустақил равишда эгаллай олиш лаёқати; индивидуал компетентлилик – мотивацияга, муваффақиятларга эришиш, бажариладиган ишнинг сифатини оширишга интилиш, ўзини-ўзи сафарбар қила олиш қобилиятига, ишонч ва оптимистик қарашга эга бўлишни тақозо этади [5].

Касбий билим, кўникма ва малакалар касбий компетентлилик таркибига киради. Касбий компетентлилик тушунчаси педагогикада тажриба, назарий билимлар, амалий кўникмалар, малакалар ҳамда инсоннинг касбий фаолиятини амалга оширишга тайёрлигини кўрсатувчи муҳим шахсий сифатларнинг интеграцияси асосидаги мураккаб индивидуал-психологик тузилма сифатида талқин қилинади.

Демак, касб-хунар коллежлари, касб-хунар мактаблари, техникумлар ўқувчиларининг касбий фанлардан олган билимлари замон талаби даражасида бўлиши учун:

1. Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари учун яратилган давлат таълим стандартлари ўртасида ўзаро мутаносибликни ўрнатиш.
2. Касбий фанлардан ўқув дастурлари узвийлигини такомиллаштириш.

3. Янги ўқув режа ва дастурлар асосида яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг амалий ва касбий йўналишларига етарли даражада эътибор бериш.

5. Альтернатив ўқув-услубий мажмуалар яратиш.

6. Янги ўқув дастурлари ва қўлланмалар яратиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича ўқув-услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш.

7. Амалий дарсларда ўқувчиларнинг мустақил фаолият кўрсатишларини рағбатлантириш.

8. Касбий фанлардан амалий ва факультатив машғулотларни ўтказишга эътиборни кучайтириш.

9. Маъруза матнлари ҳамда ўқув-услубий мажмуаларни тайёрлашда ўқитувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш.

10. Янги педагогик технологияларга асосланган ўқув-услубий адабиётларни яратиш ва бошқа масалаларга катта эътибор бериш зарур.

Бизнинг фикримизча юқоридаги талабларни амалга ошириш орқали касб-ҳунар коллежлари, касб-ҳунар мактаблари, техникумларда профессионал таълимни янада такомиллаштириш, касбий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқувчи-ёшларда касбий билим, кўникма ва малака ҳамда компетенцияларни шакллантиришга эришилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 637-сон 2020 йил 23 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли фармойиши, 2019 йил 6 сентябрь.
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сон қарори. 2020 йил 7 август.
4. Турғунов С.Т, Улуқов Н.М, Шодманов Қ.О, Мақсудова Л.А. Таълим муассасаларида бошқарув. Қўлланма. Тошкент: “Фан” нашриёти, 2008 йил
5. Маркова А.К. “Профессиональная компетентность учителя” Москва. Просвещение. 1993 г.

### **ТАЛАБАЛАРНИНГ ҒОЯВИЙ-МАҒКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТУЗИЛМАСИ ВА КОМПОНЕНТЛАРИ**

Хўжаев Мунис Отабоевич,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети таянч докторанти

**Аннотация:** Мазкур мақолада педагогика олий таълим муассасаси талабаларида ғоявий-мағқуравий компетентликни ривожлантириш тузилмаси ва компонентлари ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** фаол фуқаролик позицияси, тузилма, компонент, мағқуравий профилактика, мағқуравий педагогика, ҳамкорлик педагогикаси.

111	<b>5-синф она тили дарсларида алгоритмик машқлар билан ишлаш методикаси</b> Тўрабоева М. ....	544
112	<b>Масофавий таълим жараёнини ташкил этишнинг педагогик асослари</b> Умаров Қ., Усманова Н., Мадумарова С. ....	548
113	<b>Физическая культура как компонент здорового образа жизни молодёжи.</b> Усманов Б. ....	553
114	<b>“Бўлгуси ўқитувчи – логопедларни инклюзив таълим муҳити шароитида педагогик фаолиятини илмий ташкил этиш”</b> Хусанов А. ....	559
115	<b>Sotsiologik kompetensiya va uning chet tilini o`qitishda tutgan o`rni</b> Ermirzayev A. ....	563
116	<b>Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш анъаналар ва самарали омиллари</b> Қодирова З. ....	567
117	<b>Xalq odobnomasining durdonasi</b> Qo`chqorov B. ....	571
118	<b>Эффективность школьного художественного образования</b> Орипов Б. Б. ....	575
119	<b>Boshlang`ich sinf o`quvchilarining kreativlik qobiliyatlarini rivojlantirish texnologiyasini takomillashtirish</b> Nuraliyeva K. ....	577
120	<b>Boshlang`ich sinf o`quvchilarida shaxslararo munosabat madaniyatini shakllantirishda ta`limiy o`yinlardan foydalanish</b> Nuriddinova D. ....	581
121	<b>Уста мулла қирғизнинг меъморлик санъати</b> Бахтиёр Р. ....	584
122	<b>Нотўлиқ оилада болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммолари</b> Асқарова Ў. ....	588
123	<b>Баркамол авлодни спортга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари</b> Тўхтаўжаев Х., Мадаминов Х., Усмонова Н., Сотводдиев М. ....	593
124	<b>Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларида касбий компетенцияларни шакллантириш</b> Шодманов Қ., Нодиров Ж., Нарзуллаева Г. ....	598
125	<b>Талабаларнинг ғоявий-мафкуравий компетентлигини ривожлантириш тузилмаси ва компонентлари</b> Хўжаев М. ....	602
126	<b>Ўсмир ва ота-оналар муносабатларидаги низолар муаммоси ва уларни мувофиқлаштириш йўллари</b> Мирзабдуллаева Д. ....	609